



**STATE POLICY ON THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN UZBEKISTAN
AND THE ROLE OF CROSS-BORDER TOURISM IN IT**

Umrinisa T. Egamberdieva

Senior Lecturer

National University of Uzbekistan

Sherzod Q. Ablyamitov

ABOUT ARTICLE

Key words: tourism, tourist, cross-border tourism, tourist resource, tourist corridor, infrastructure.

Received:

Accepted:

Published:

Abstract: This article focuses on such issues as the state policy for the development of tourism in Uzbekistan and the role of cross-border tourism in it. Attention is paid to tourism in our country, government decisions on the development of tourism and their significance.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ
СИЁСАТИ ВА УНДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ТУРИЗМНИНГ ЎРНИ**

Умриниса Т. Эгамбердиева

Катта ўқитувчи

Ўзбекистон Миллий Университети

Шерзод Қ. Аблямитов

МАҚОЛА ХАҚИДА

Калит сўзлар: туризм, турист, трансчегаравий туризм, туристик ресурс, туристик коридор, инфратузилма.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати ва унда трансчегаравий туризмнинг ўрни каби масалаларга эътибор қаратилган. Мамлакатимизда туризмга бўлган эътибор, туризмни ривожлантиришга доир ҳукумат қарорлари ва уларнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА В ОБЛАСТИ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В
УЗБЕКИСТАНЕ И РОЛЬ В НЕМ ТРАНСГРАНИЧНОГО ТУРИЗМА**

Умриниса Т. Эгамбердиева

Старший преподаватель

Национальный университет Узбекистана

Шерзод Қ. Аблямитов

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: туризм, турист, трансграничный туризм, туристический ресурс, туристический коридор, инфраструктура.

Аннотация: В данной статье основное внимание уделяется таким вопросам, как государственная политика по развитию туризма в Узбекистане и роль в ней трансграничного туризма. Уделяется внимание туризму в нашей стране, решениям правительства по развитию туризма и их значение.

КИРИШ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати ва унда трансчегаравий туризмнинг ўрни каби масалалар кўриб чиқилади. Иш мамлакатимизда туризм соҳасига доир ҳукумат қарорлари, амалга оширилган лойиҳаларни ўрганиш ва уларнинг аҳамиятига қаратилган. Унинг илмий аҳамияти туризмни ривожлантиришга оид ҳукумат қарорларини ўрганишдадир.

Ўзбекистон замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча зарур манбаларга ега. Буюк Ипак йўли устида жойлашган ватанимиз қулай табиий – иқлим шароитларига, бой тарихий, маданий меросга ва айни пайтда ҳам ички, ҳам халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга ега.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ хизматлар кўрсатиш соҳасидаги туризм хизматлари замонавий хизмат турлари сифатида талқин қилиниб, унга еътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Соҳа ривожини учун зарурий меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу йўналишдаги ишлар ҳозир ҳам давом этаётгани фикримизнинг исботидир.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам туризм соҳасига оид бир қанча қонунлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2019-йил 16-апрелда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати томонидан 2019 – йил 21 – июнда маъқулланган ЎРҚ – 549 – сонли қарорининг 2 – бобида туризм соҳасини тартибга солиш ҳақида келтириб ўтилган.

Қарор бир қанча моддалардан ташкил топган. Бу моддалар туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасидаги ваколатлари, туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи, ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг туризм соҳасидаги ваколатлари, туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, фуқаролар

Ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг туризм соҳаси тадбирларидаги иштироки деб номланади.

Ушбу қарорга кўра туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари етиб қуйидагилар белгиланган:¹

- мазкур соҳани мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида ривожлантириш;

- саёҳатларни амалга ошириш чоғида фуқароларнинг дам олиш, еркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларини ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;

- туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш;

- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

- ички туризмни ривожлантириш, шу жумладан ижтимоий туризмни ривожлантириш доирасида болалар, ёшлар, кексалар, шунингдек ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун туризм ҳамда экскурсияларни ташкил етиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва инвестициялар киритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- мазкур соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

- тадбиркорлик субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш;

- туризм соҳасининг субъектларига солиқ ва божхона имтиёзларини белгилаш орқали рағбатлантириш;

- туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, еркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ва мол-мулки ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- илмий тадқиқотларни ташкил етиш ва ривожлантириш;

- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикасининг туризм учун жозибадор мамлакат сифатидаги нуфузини ошириш;

- туризм соҳаси субъектларини улар туристик бозорларда миллий туристик маҳсулотни тарғиб қилишида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- илғор инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий етилишини рағбатлантириш;

¹ www.lex.uz

• туристик зоналар ва туристик кластерларнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш.

Ушу қонуннинг мақсади мамлакатимизда туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 28.04.2021 йилдаги КҚ-221-IV-сонли қарорида, трансчегаравий ҳудудларда ижтимоий-маданий соҳаларда, шу жумладан, спорт мусобақаларини ташкил етиш, маданий тадбирлар (кўргазма, ярмарка ва фестиваллар)ни бирга ўтказиш, туризмнинг турли йўналишларини (маданий туризм, екотуризм) ривожлантиришга қаратилган амалий тадбирлар ўтказиш трансчегаравий ҳамкорликнинг енг долзарб масалаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари қарорда трансчегаравий ҳудудларда аҳолининг еркин ҳаракатланиш учун барча шарт-шароитларни яратишга, чегара постларидан ўтиш қоидаларини соддалаштиришга, чегарадош ҳудудларда меҳнат бозорини шакллантиришга ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таъминлаш бўйича ҳам бандлар келтириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2019 йилдаги ПФ-5611-сонли фармонида қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган 2019 – 2025 – йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепсияси қабул қилинган. 2019 – 2025 – йилларда Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантириш учун туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик соҳасига айлантириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини ошириш ҳамда туристик инфратузилмани, шу жумладан хорижий сармояларни жалб қилиш ва самарали реклама-маркетинг ишларини олиб бориш евазига такомиллаштириш орқали белгиланган мақсадларга еришиш мумкин.

Концепсияда туризм соҳасини ривожлантиришнинг 2та асосий босқичлари ажратилган:

1. 2019 — 2020-йилларда — туризмни ривожлантириш учун мустаҳкам қонунчилик базани яратишга қаратилган институционал ислохотлар, инфратузилмани модернизациялаш ва мамлакат брендини тарғиб қилиш;

2. 2021 — 2025-йилларда — мамлакат иқтисодиётида туризм индустрияси улушини кўпайтириш. Ушбу йўналишда зарур инфратузилмани ривожлантириш ва дунё бозорида республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш орқали мамлакатнинг ялпи

ички маҳсулотда туризм улушини 5 фоизгача (2017-йил якуни бўйича — 2,3%) йеткириш, шунингдек, 2025 – йил якунига қадар 9 миллиондан ортиқ туристларни, шу жумладан узок хориждан – 2 миллион туристни жалб қилиш белгилаб қўйилган.

Ушбу концепсияда 2019 – 2025 – йилларда мамлакатимизда туризм соҳасидаги айрим кўрсаткичларнинг ҳолати ва келажакдаги прогнози ҳақида статистик маълумотлар ҳам келтириб ўтилган.

2019 – 2025 – йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепсиясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари:

1-жадвал²

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2018-й.	2019- й.	2020- й.	2021- й.	2022- й.	2023- й.	2024- й.	2025- й.
1.	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони (минг киши)	5 346	6 041	7 010	8 410	10 010	10 600	11 250	11 810
2.	Туризм хизматлари экспорти (млн АҚШ доллари)	1 041	1 180	1 360	1 620	1 900	2 000	2 080	2 170
3.	Ички туристлар сони (минг та ташриф)	15493	16 100	17 230	18 806	20 317	21 867	23 404	25 010
4.	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони (дона)	914	1 100	1 620	2 200	2 600	2 800	2 900	3 050
5.	Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг)	20,2	24	35	47	55	59	62	64
6.	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг)	41	49	72	95	110	122	124	128
7.	Туроператорлар сони (нафар)	983	1 100	1 190	1 250	1 320	1 390	1 420	1450

2019 – йил январ ойида ишлаб чиқилган ушбу жадвалда Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони (минг киши), туризм хизматлари экспорти (млн АҚШ доллари), ички туристлар сони (мингта ташриф), меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони (дона), жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг), жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг), туроператорлар сони (нафар) каби кўрсаткичларнинг 2018 – 2025 – йиллар кесимидаги ҳолати ва прогнози берилган. Жадвалдан кўриш мумкинки мамлакатимизга ташриф буюрувчи хорижий туристлар сони йилдан – йилда ошиб бормоқда. 2018 – йил ҳолатига кўра мамлакатимизга 5 346 минг хорижий турист ташриф буюрган бўлса, 2020 – йилда бу кўрсаткич 1 501,4 кишига тенг бўлган. Яъний

² O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari

прогноз бўйича кутилган натижага еришилмаган. Бунга сабаб қилиб бутун дунёда кузатилган пандемия шароитини кўрсатиш мумкин. Прогноз бўйича 2025 – йилда мамлакатимизга 11 810 минг кишининг ташриф буюриши кутилмоқда. Бунга хорижий туристлар учун барча зарурий шарт – шароитларни яратиш бериш, инфратузилмани янада яхшилаш, хорижий инвесторларни кўпроқ жалб қилиш, янги туристик каридорларни ташкил қилиш орқали еришиш мумкин.

ХУЛОСА

Йилдан – йилга хорижий ва маҳаллий туристлар ташрифнинг ошиб боришига боғлиқ равишда меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларининг сони ҳам ошиб бормоқда. Бу еса ўз навбатида янги иш ўринларининг яратилишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пардаев А, Норчаев А. Халқаро туризм. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2010, - 320 б.
2. Karimov, N. (2022). THE CENTRAL ASIAN RENAISSANCE OF THE IX-XII CENTURIES IN THE EYES OF FOREIGN RESEARCHERS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(03), 28-45.
3. [хтпс://узбекистан.травел/ру/](https://uzbekistan.travel/ru/)
4. www.stat.uz
5. Lapasovich, M. O., Nematovich, N. O., Yakubovich, Z. B., Rustamovich, U. M., & Tolipov, F. (2020). Historical and ethnographic characteristics and socio-spiritual factors of visiting tourism in Uzbekistan. *Journal of Critical Reviews*, 7(6), 47-50.
6. www.lex.uz
7. Эгамбердиева Умриниса Турсункуловна Ўзбекистон миллий университети, “Иқтисодий ва ижтимоий география” кафедрасининг доценти.
8. Yunusova, G. N. (2019). THE MODERN LINGAFON ROOMS AND THEIR SOFT WARE. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(4), 333-341.
9. Аблямитов Шерзод Қурбон ўғли Ўзбекистон миллий университети, “Иқтисодий ва ижтимоий география” кафедраси 2-курс магистранти.
10. Go'dalov, M. R. (2014). Nature of Jizzakh region and its protection.-Т.:“. *Science and technology*.